

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАКИМОВ ХУРШИД НОЗИМОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ-
АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ ПЕДАГОГИК
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ҳақимов Хуршид Нозимович

Умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия
интеграциялашувининг педагогик шарт-шароитлари..... 3

Ҳақимов Хуршид Нозимович

Педагогические условия интеграции физического и духовно-нравственного
воспитания в общеобразовательных школах 21

Khakimov Khurshid Nozimovich

Pedagogical conditions for the integration of physical and spiritual-moral
education in secondary schools 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАКИМОВ ХУРШИД НОЗИМОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ-
АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ ПЕДАГОГИК
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped373 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Чориев Абдушуккур Чориевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Мелиев Ҳамид Абдуллаевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-17-14, e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий дидактика ва хусусий методика фанларининг муҳим йўналишлари сифатида таълим оловчиларни ўқитиш ва тарбиялашда умумий табиат қонунларига асосланган предметлараро ва предмет ичидаги интеграциялашув самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий мактабларда жисмоний тарбия фанига интегративликнинг қўлланилиши муассасадаги фаолиятни яхшилаш, педагоглар жамоасининг салоҳиятини ошириш, таълим самарадорлигини таъминлашнинг оптимал йўллари топишга хизмат қилувчи омил эканлиги эътироф этилмоқда.

Дунёда ўқув жараёнларининг интеграция масалалари, жумладан, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини таъминловчи интеграл дарсларнинг хоссалари, миллий ва умуммаданий анъаналар, қадриятларга асосланган педагогик технологияларнинг имкониятларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган илмий тадқиқот натижалари жисмоний тарбия фани орқали ўқувчиларда ёши ва жинсига мувофиқ куч, тезкорлик, чаққонлик, сабр-тоқат, сабот-матонат, чидамлилиқ, ирода ва ҳиссиётни бошқара олиш сифатларини такомиллаштириш, уларда шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатни ўстириш жараёнларининг муваффақиятида акс этмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим мазмуни, унинг моддий-техник базаси ва ўқув таъминоти мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар умумий ўрта таълим мактаблари ўқув предметлари мазмунини жисмоний тарбия фанига интеграциялаш, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш имкониятларини кенгайтirmoқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида “ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш”¹ белгиланган. Бу борада жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг педагогик имкониятлари ҳолатини таҳлил этиш, ўқувчи шахсининг шаклланганлик индикаторларини аниқлаш ва мезонларини такомиллаштириш, методик тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб, баркамол авлодни камол топтиришга қаратилган ҳаракатларнинг натижавийлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2018 йил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон Қарори.

14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 118-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги.

Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср охири XXI асрнинг дастлабки йиллари давомида хорижда, МДХда, хусусан, мамлакатимизда бўлажак мутахассисларнинг маънавий-ахлоқий, жисмоний, эстетик, экологик, иқтисодий тарбияси, касбий, умумпедагогик, дидактик, касбий-маданий тайёргарлиги йўналишлари ва уларнинг интеграциясини таъминлашга қаратилган қатор фалсафий, педагогик, психологик тадқиқотлар олиб борилди, қўлланмалар, рисоалар чоп этилди.

Ўқувчи шахсини шакллантиришда интеграция масалаларининг педагогик ва методик муаммолари ҳамда уларни ечимлари республикамиз олимлари У.Ш.Бегимқулов, Р.А.Мавлонова, Н.Шодиев, Ю.Ғ.Маҳмудов, Р.Ғ.Сафарова, Э.О.Турдикулов, М.Ғ.Ҳақимова, Ш.Э.Қурбоновларнинг тадқиқот ишларида амалга оширилган.

Интеграция ва педагогик интеграцияни таъминлашнинг назарий-методологик асослари рус олимларидан В.С. Безрукова, М.Н.Берулова, П.Ф.Кубрушко, Н.В.Кузьмина, И.П. Раченко, А.М. Новиков, Ю.М. Колягин, Л.Н. Бухарева, И.А. Черкашинларнинг илмий тадқиқот ишларида маълум даражада ўз ифодасини топган.

Масаланинг ахлоқий-эстетик тарбия ва маданият, маънавий маданият, ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш У.И.Маҳкамов, Р.Хасанов, Н.Ортиқов, С.Булатов, М.Иномова, С.Нишонава, Т.Қурбонов, М.Очилов, С.Аннамуратова, С.Файзулина, О.Мусурмонова, З.К.Исмоилова, М.К.Ҳошимова, Б.Ў.Кўчқоров, Г.Ибрагимова, Г.Маҳмутова, Н.Эгамбердиева, Ш.Олимов, тарбия асослари ва миллий тарбия масалалари С.Очилов, М.Қурононов, Қ.Қуронбоев, Д.И.Рўзиева, Ф.Норбоеваларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Муаммонинг психологик жиҳатлари М.Ғ.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, А.В.Петровский, Н.В.Кузьмина, Е.А.Климов, Р.Суннатова, Ш.Баротовларнинг ишларида ўрганилган.

Бўлажак ўқитувчини касбий тайёрлашнинг умумпедагогик ва дидактик жиҳатлари У.Нишоналиев, Ф.Р.Юзликаев, А.И.Воробьёв, А.Р.Ходжабаев,

Э.Т.Чориев, Н.А.Муслимов, У.И.Иноятгов, Ш.Шарипов, Х.Ф.Рашидов, О.А.Абдукуддусовлар томонидан ишлаб чиқилган.

Маълумки, тараққиёт узлуксиз таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш заруратини юзага келтирди. Бу йўналишдаги масалалар Н.Шодиев, В.П.Беспалько, И.Я.Лернер, Б.Т.Лихачёв, М.В.Кларин, Е.С.Полат, Н.Сайидахмедов, М.Очилов, Н.Азизхўжаева, Б.Л.Фарберман, М.Усмонбоеваларнинг илмий ишларида ёритилган.

Педагогик кадрларнинг малакасини ошириш муаммоси К.З.Зарипов, Ж.Ф.Йўлдошев, Б.Р.Адизов, Ш.К.Мардоновлар томонидан назарий методологик, ташкилий-педагогик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган.

XIX асрнинг ўрталаридаёқ Ғарбий Европанинг кўплаб давлатларида дастлабки комплекс интеграцион дастурлар ишлаб чиқила бошланди. Бунда муаллифлар ўрганилаётганларни ягона ўзакка бирлаштириш ғоясини илгари сурганлар.

Ўқитишни интегротив мазмундаги билимлар асосида ташкил этиш айниқса, хориж олимларидан Г.Спенсер, J.Gilbert, J.Fernandez-Balvoa, S.Merriam, P.Ertmer каби олимларнинг тадқиқотларида етарли даражада ўз аксини топган.

Таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларининг назарий ва амалий асосларини Р.С.Саломов, Т.С.Усмонхўжаев, А. Абдуллаев, Ш.Х.Хонкелдиев, А.Қ.Атоев, Ҳ.А.Мелиев, П.Ф.Лесгафт, В.Г Норакидзе, О.А Черникова, Л.П.Матвеев каби юртимиз ва чет эл олимлари томонидан яратилган асарларда ўз аксини топган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот режасининг ОТ-Ф1-002 “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шаклланишининг психологик механизмлари” (2016-2018 йй) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашувининг назарий асосларини аниқлаш ҳамда амалий татбиқ этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг педагогик имкониятлари ҳолатини таҳлил этиш ва илмий жиҳатдан асослаш;

ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси мазмуни ва омилларини аниқлаш;

жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси асосида ўқувчи шахсини шакллантиришнинг индикаторларини аниқлаш ва мезонларини такомиллаштириш;

жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси асосида ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашуви жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятининг 9 та мактабларидаги 438 нафар ўқувчилар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашув жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома, эксперт баҳолаш, тест, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, моделлаштириш, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ҳамда педагогик тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия фани ўқув таркибининг интеграциялашган ўқув мазмуни жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлик хусусиятларини (таълимий, умуммаданий, ривожлантирувчи, маънавий, тарбиявий, соғломлаштирувчи) аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашуви жараёнларининг типологик тузилмаси жисмоний (соғлом турмуш, ҳаракат, жисмоний сифат, ўз-ўзини ривожлантириш) ва маънавий-ахлоқий (ватанпарварлик, соғлом дунёқараш, қадрият, инсонпарварлик) тарбия элементларининг ўзаро ижобий таъсирлашув имкониятларини қўллашга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг педагогик ҳамкорлик фаолияти функциялари жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияга йўналтирилган мониторинг кўрсаткичларини (ижтимоий, интеллектуал, психологик, коммуникатив, мослашувчанлик) киритиш асосида такомиллаштирилган;

жисмоний тарбия фанининг ўқув мақсадларини интенсивлашга оид илмий-методик тавсиялар ўқув машғулотларни ўйинли методлар (“яккама-якка жанг”, “қўл жанги”, “шарни оёғингда бос”, “доирадан чиқар”, “мушкетёрлар”, “занжирни узиш”, “чавандозлар”) босқичлари бўйича лойиҳалаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш педагогик муаммо сифатида тавсифланиб, баркамол шахс ривожланишида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўрни очиб берилган ҳамда унинг умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган жисмоний тарбия фанини мавзулараро интеграциялаб ўқитиш жараёнидаги имкониятлари аниқланган;

жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашувини таъминлашга йўналтирилган маданий хулқ, одоб-ахлоқни таъминлайдиган, касбий малака, ижтимоий-педагогик билимларни сингдириладиган, маънавий-маърифий тадбирлар тизими, илмий-педагогик ва методик

таъминотни амалга оширувчи машғулотлар асосида ташкил этилган интегратив мавзуларга асосланган дастур тузиб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

ўқувчиларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш фаолияти тузилмаси, асосий ва кўшимча педагогик функциялар, “Жисмоний тарбия” фани ўқув модуллари интеграцияси бўйича методик таъминоти ишлаб чиқилган ва амалда жорий қилинган;

ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси жараёнини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича “Жисмоний тарбиянинг ахлоқий мезонлари”, “Жисмоний машқларни танлашда маънавий-ахлоқий ёндашув” каби услубий кўрсатмалар ҳамда “Гимнастика ва уни ўқитиш методикаси” ўқув қўлланма яратилган ва ўқув-тарбия жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини амалга оширувчи ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш таснифи аниқланганлиги, унинг самарадорлигини таъминловчи омиллар илмий-назарий жиҳатдан талқин қилинганлиги, муаммонинг ечими бўйича таклиф қилинган технологиялар, ишлаб чиқилган самарали методикалар, жисмоний тарбия фани ўқитувчисининг назарий ва амалий фаолиятини инновацион технологиялар асосида лойиҳалаш, яратилган ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалардан жисмоний тарбия дарсларини сифати ва самарадорлигини оширишда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан умумий ўрта таълим мактабининг 5–7-синфларида жисмоний тарбия дарслари ва машғулотларида оптимал фойдаланиш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, таълим мазмунини давлат, жамият ва шахс эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш, ўқув-услубий таъминотни кучайтириш орқали таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабаларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашувини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жисмоний тарбия фани ўқув таркибининг интеграциялашган ўқув мазмунини такомиллаштириш, жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлик хусусиятларини (таълимий, умуммаданий, ривожлантирувчи, маънавий, тарбиявий, соғломлаштирувчи) аниқлаштиришга оид таклифлардан ИТД-1-52 рақамли “Ёшларнинг

маънавий-ахлоқий тарбиясида адабиётнинг таъсири ва аҳамияти (мумтоз ва замонавий адабиёт мисолида)” номли амалий грантлар доирасида фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги 89-04-1264-сон маълумотномаси). Натижада, интеграциялашган ўқув машғулоти асосида ўқувчиларда таълимий, тарбиявий, соғломлаштирувчи, умуммаданий, маънавий, хусусиятлар такомиллаштирилган;

жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашуви жараёнларининг типологик тузилмаси, жисмоний (соғлом турмуш, ҳаракат, жисмоний сифат, ўз-ўзини ривожлантириш) ва маънавий-ахлоқий (ватанпарварлик, соғлом дунёқараш, қадрият, инсонпарварлик) тарбия элементларининг ўзаро ижобий таъсирлашув имкониятларига оид таклифлари “Гимнастика ва уни ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасини (рўйхатга олиш рақами – 274-284, 2018 й.) ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги 89-04-1264-сон -сон маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг педагогик ҳамкорлик фаолияти функциялари, жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияга йўналтирилган мониторинг кўрсаткичлари (ижтимоий, интеллектуал, психологик, коммуникатив, мослашувчанлик), ўқув машғулотларни ўйинли методлар (“яккама-якка жанг”, “қўл жанги”, “шарни оёғингда бос”, “доирадан чиқар”, “мушкетёрлар”, “занжирни узиш”, “чавандозлар”) босқичлари бўйича лойиҳалаштириш ва “Жисмоний тарбия” фани ўқув жараёнларини такомиллаштириш доир амалий таклиф ва тавсиялардан ЁА-1-22 рақамли “Жисмоний маданиятни ўқитишда инновацион педагогик технологияларни модернизацияланган тизимини ишлаб чиқиш”(2015-2016йй.) номли ёш олимлар амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги 89-04-1264-сон -сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларни ўқув-тарбия жараёнида жисмоний сифатлар билан биргаликда маънавий-ахлоқий фазилатларни самарали шакллантириш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий, жумладан, Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Интеграция” тушунчаси таълим жараёнига тадбиқ этилганда фикримизча, учта маънони англатади: биринчидан, бу мактаб ўқувчиларида бизни ўраб турган атроф-оламни бир бутунликда деб қабул қилинишига эришиш (бунда интеграция таълим мақсади сифатида майдонга чиқади); иккинчидан, фанга доир билимларни умумий жиҳатларини яқинлаштириш (бунда интеграция таълим воситаси сифатида қаралади); учинчидан, фанлардаги мавзуларни яхлитлаш натижасида ўқувчи шахсини шакллантиришнинг уйғунлигини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашувининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида интеграция – таълим жараёнини модернизациялашнинг муҳим принципи эканлиги, ўқувчилар жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияси интеграцияси педагогик муаммо сифатидаги ўзига хосликлари, шунингдек, ўқувчилар жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияси интеграциялашувининг мавжуд ҳолати ва такомиллаштириш йўллари аниқланган.

Таълимнинг ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш билан узвий ҳамкорликда ривожланиши зарурлиги Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги аҳамиятли ғоялардан биридир. Шунинг учун ҳам таълимни ривожлантиришда интеграциядан унумли фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “интеграция” атамаси латин тилида “integratio” – тиклаш, тўлдириш, “integer” – бутун деган маъноларни англатиши изоҳланади. У қуйидагича тавсифланади: 1. Система ёки организмнинг айрим қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ҳамда шундай ҳолатга олиб борувчи жараённи ифодаладиган тушунча. 2. Фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни дифференциация билан бирга кечади. 3. Икки ва ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш¹ каби маъноларда қўлланилади.

XX асрда интеграция педагогика соҳасига чуқурроқ кириб келди. Бу жараённи айнан таълим жараёнига кириб келишини уч босқичда тавсифлаш мумкин. Биринчи босқич XX асрнинг 20-йилларида – фанлараро алоқалар

¹Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-том. –Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. - 179 б.

асосида интеграллашган таълим; 50-70-йилларда – фанлараро алоқалар; 80-90-йилларда - таълим жараёнининг ҳақиқий интеграциялашуви.

Ҳозирги кунга келиб, интеграция нафақат таълим соҳаси балки ижтимоий-иқтисодий жабҳаларнинг барчасида ривожлантирувчи функцияни бажаришга қаратилган ғоя сифатида қаралади.

Интеграциянинг фалсафий, педагогик-психологик методик асослари назарий жиҳатдан хориж олимлари Г.Спенсер, J.Gilbert, F.Cochran, J.Fernandez-Balvoa, S.Merriam, P.Ertmer, S.Wilson, J.Wilson, С.Л.Рубинштейн, И.Д.Зверев, Н.В.Максимова, Н.С.Светловская, Ю.М.Колягин, Л.В.Тарасов томонидан, шунингдек, республикамиз олимлари Н.Ш.Шодиев, Р.Ғ.Сафарова, У.Қ.Мусаев, Б.Мирзахмедов, Р.К.Чориев, Ю.Ғ.Махмудов, Р.А.Мавлонова, А.И.Авазбоев, О.А.Абдуқуддусов, У.Ш.Бегимқулов, Э.А.Турдиқулов, Ш.Т.Халилова, Ш.Ш.Олимов, М.Жуманиёзова каби кўплаб олимларнинг тадқиқотларида етарли даражада ўз аксини топган.

Интеграция - педагогик ҳодиса сифатида таълим жараёнида, фанлараро билимларни (интегратив билимларни) чуқурлаштириш ва ошириш, уларни ривожлантиришда қўлланилади.

Ёш авлодни ҳар томонлама, жумладан ақлий, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишида жисмоний тарбия асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки жисмоний тарбия ўқувчиларни соғлом ва бақувват қилиб ўстиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Жисмоний тарбия ўқувчи-ёшларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш билан биргаликда организмини чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишини ҳамда унинг ишлаш қобилиятини оширишни таъминлайди. Ўқувчиларда ўз соғлиқларини асраш, уни доимо сақлаш учун ғамхўрлик қилиш туйғуларини ривожлантириш, ўқувчиларда янги ҳаракат турлари борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш уларни жисмоний тарбияга оид махсус билимлар билан қуроллантиради. Жисмоний тарбия фани ўқувчиларнинг ёшига, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, сабр-тоқат, сабот-матонат, чидамлилиқ, ирода ва ҳиссиётни бошқара олиш) сифатларини такомиллаштириш, уларда шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатни ўстиради.

Умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашда жисмоний тарбия дарсларида қўлланиладиган ҳар бир жисмоний машқ ёки ўйиннинг маънавий-ахлоқий томонига эътибор бериш зарур ҳисобланади. Чунки ҳар бир машқ ёки ўйиндаги ғоялар ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиянинг мезонлари ҳисобланмиш камтарлик, одоблилиқ, хушмуомалалиқ, меҳр-оқибат, диёнат, орзу-умид, сабр–тоқат, меҳрибонлик, саҳийлик, инсонийлик, бурчга садоқат, меҳнатга муҳаббат каби қадриятларга содиқ қилиб тарбиялайди.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашувининг педагогик имкониятлари”** деб номланган иккинчи бобида ўқувчилар жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияси интеграциясини ривожлантиришнинг мазмуни, жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг

функциялари, умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг модели ёритилган.

Жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин: таълимий, тарбиявий, умуммаданий, ривожлантирувчи, жисмоний соғломлаштирувчи, маънавий. Ушбу функцияларни яхлит бир бутунликда қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин (1-расм):




1-расм. Жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг функциялари

Жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси функциялари умуминсоний тарбия жараёнининг асосини ташкил этиб, ўқувчиларда фуқаролик ҳиссини таркиб топтиришда моддий ва маънавий бойликлар, маънавий-ахлоқий билимлар, жисмоний сифатлар (кучлилиқ, эпчиллик, камтарлик, чакқонлик, эгилувчанлик), ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳақидаги тасаввурлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан ҳамкорликда амалга ошади. Шунга асосан жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси функциялари инсоннинг кундалиқ ҳаётида, турмуш тарзида, ўзгалар билан муносабатда, ақлий ҳамда жисмоний меҳнати жараёнида шаклланади ва ривожланиб боради.

Юқоридаги назарий фикрларга асосланган ҳолда умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг моделини қуйидагича белгиладик (2-расм). Модел умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш интеграциясини таъминлашни назарда тутиши билан бир қаторда, умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини педагогик технологиялар асосида самарали амалга оширишнинг ташкилий-методик шарт-шароитларини ҳам ўзида акс эттиради.

Таклиф этилаётган моделнинг ҳар бир элементи икки йўналишда, яъни жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни таркиб топтириш бўйича ўқувчи шахсини шакллантириш нуқтаи назаридан қараб ўтилади. Ўқувчи шахсини жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияси интеграциясини амалга оширишнинг муҳим воситаси жисмоний тарбия дарси мазмуни яъни жисмония тарбия фани бўйича фаолиятга оид давлат таълим стандартлари, дастур, педагогик технологиялар асосида машғулотларни ташкил этишдир.



2-расм. Умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси тузилмаси.

Умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини амалиётга татбиқ этишнинг куйидаги шарт-шароитларини ҳисобга олиш таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади:

- ўқувчининг ўзига хос жисмоний қобилият, темперамент, характер, ёш хусусиятлари сингари психофизиологик жиҳатларга эгаллиги;

- жисмоний тарбия фани ва унинг ўқитиш сифати (компетентлилиги, тайёрланганлик даражаси);

- таълим муассасаси ва гуруҳдаги психологик микро муҳит;

- жисмоний тарбия раҳбарининг болалар билан тил топа билиш, уларни ўз ортидан эргаштира олиши, тарбияланувчиларни машғулотга тўлалигича сафарбар қила олиш қобилияти.

Умумтаълим мактабларида таълимнинг асосини шахс камолоти, унинг баркамол шаклланиб, ривожланиши ҳақидаги ғоялар белгилайди. Шу сабабли жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини ривожлантириш орқали ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш бўйича қарашлар ва ғоялар тизими амалдаги фанларни ўқитишга асосланган таълимдан интеграллашган, шахсга йўналтирилган ҳамда компетенциявий ёндашувга асосланган таълимнинг истиқболлигини ифодалаши аниқланди.

Ўқувчининг мактаб даври ҳаётидаги жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ҳар томонлама жисмоний ривожланиш учун пойдеворни яратиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, ҳар хил кўникмалар ва маҳоратларни шакллантиришда мужассамланади. Буларнинг барчаси шахснинг уйғун ривожланиши учун объектив шарт-шароитларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Мактаб ёшидаги болаларнинг тўлақонли ривожланишига фаол жисмоний тарбия машғулотларисиз амалий жиҳатдан эришиш мумкин эмас.

Жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграцияси туфайли:

- феъл-атворнинг ижобий хусусиятлари (уюшқоқлик, камтарлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат ва ҳ.к.лар)ни шакллантириш учун қулай шароитлар яратилади;

- шахснинг ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизлари (ўз қадрини билиш, ҳаққонийлик, дўстлик, ўзаро ёрдам, топширилган иш учун масъулият туйғулари, жамоада шуғулланиш маҳорати)га асос солинади;

- иродавий сифатлар (жасурлик, қатъийлик, ўз кучига ишониш, қийинчиликларни енгишда вазминлик, қунт-матонат, ўзини тута билиш)нинг тарбияланиши амалга оширилади;

- ҳис-туйғуларни бошқариш маданияти, жисмоний машқларга нисбатан эстетик муносабат сингдирилади.

Жисмоний ва маънавий ахлоқий тарбия интеграциялашуви тарбия жараёнида амалга оширилади. Жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиши, функционал имкониятларини ошириш ва ривожлантириш соғлиқни мустаҳкамлаш ва ҳоказолар билан боғлиқдир ҳамда жисмоний сифатларини оширишда содир бўлади.

Диссертациянинг “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашувига доир тажриба-синов ишларининг натижалари” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини такомиллаштириш соҳасида ташкил этилган амалий фаолият учун объект (тажриба майдони) сифатида Бухоро, Навоий, Хоразм вилояти умумий ўрта таълим мактаблари танланди. Мазкур таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 438 нафари тажриба-синов ишлари учун респондент этиб белгиланди ва улар мақсадли равишда 214/224 нафар тарзида тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.

Ўқувчилар тасодифий танлаш тамойилига мувофиқ тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Тажриба гуруҳларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия тўғрисидаги тушунчаларни ифодаловчи сўровнома ва улар билимини аниқлашга доир методика асосида иш кўрилди. Назорат гуруҳларида эса гарчи тадқиқот бошида тадқиқ қилинаётган масала ҳақида умумий маълумотлар берилган бўлса-да, тажриба гуруҳида чуқурроқ ва атрофлича билимлар берилди.

Тажриба якунида эса умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни такомиллаштиришни давр талаблари асосида таъминлаш учун ўтказилган тажриба-синов натижалари тажриба-синов охирида (1-жадвал) куйидагича кўринишни олди.

1-жадвал.

Ўтказилган тажриба-синов натижалари

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари	Тажриба гуруҳида $m=214X_i$		Назорат гуруҳида $n=224 Y_i$	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Юқори	58 (27,1%)	84 (39,2 %)	56 (24,7%)	59 (26,1%)
Ўрта	70 (32,7%)	97 (45,3%)	72 (32,1%)	76 (33,9%)
Қуйи	86 (40,1%)	33 (15,4%)	96 (42,4%)	89 (39,3%)


Ушбу маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш учун Стьюдент-Фишер методи танланди.

Тажриба ва назорат синфидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2 – танланмалар деб олсак, куйидаги вариацион каторга эга бўламиз.

1 – танланма (тажриба гуруҳи) $t=214$
 X_i : юқори; ўрта; қуйи;
 t_i : 84; 97; 33;

2 – танланма (назорат гуруҳи) $n=224$
 Y_i : юқори; ўрта; қуйи;
 n_i : 59; 76; 89.

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



3-расм. Умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашуви самарадорлиги кўрсаткичлари

Кўрсатилган графиклардан англанадики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T=5$ ва $M_H=3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{214} (84 \cdot 5 + 97 \cdot 4 + 33 \cdot 3) = \frac{1}{214} (420 + 388 + 99) = \frac{907}{214} = 4,2$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{224} (59 \cdot 5 + 76 \cdot 4 + 89 \cdot 3) = \frac{1}{224} (295 + 304 + 267) = \frac{866}{224} = 3,8$$

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 4,2$; $\bar{Y} = 3,8$; $\Delta_m = 0,05$; $\Delta_H = 0,07$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{о́на}} = \frac{\bar{X} - \Delta_m}{\bar{Y} + \Delta_H} = \frac{4,2 - 0,05}{3,8 + 0,07} = \frac{4,15}{3,87} = 1,07 > 1;$$

$$K_{\text{а́а}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_H) = (4,2 - 0,05) - (3,8 - 0,07) = 4,15 - 3,87 = 0,28 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳи натижалари назорат гуруҳидагилардан юқори эканлиги аниқланди.

ХУЛОСА

“Умумтаълим мактабларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашувининг педагогик шарт-шароитлари” мавзусидаги фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия ўз мазмун-моҳияти билан шахс ижобий сифатлари ҳисобланган эътиқод, меҳр-шафқат, поклик, ҳалоллик, тўғрисиўзлик, чاقқонлик, эпчиллик, саботлилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик кабиларни ўзида мужассамлаштирган маънавий-ахлоқий билим, тушунча, кўникма ва малака, баҳо, онг, мулоҳаза, дид, ҳис-туйғу, идеал, тафаккур, маънавий-ахлоқий ва жисмоний қадриятларда намоён бўлиши, ривожланиши бўлажак мутахассисларнинг назарий ва амалий тайёргарликларини кучайтириш орқали уларда жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни такомиллаштириш зарурлиги аниқланди.

2. Ўқувчиларда жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантириш механизмлари (ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги, ўқиш мотивлари, руҳий-физиологик кечинмалар, шахслараро муносабат, индивидуаллик) асосида уларнинг инновацион, касбий креативлик, конструктивлик, мустақиллилик, қатъийлик, ватанпарварлик, камтарлик, кучлилик, сабр-бардошлик, қаноатлилик, саҳийлик каби фазилатларни ривожлантириш, уларда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини такомиллаштиришнинг омили эканлигини кўрсатди.

3. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни такомиллаштириш мақсадли, ўз мақомига етиши учун муайян функциялар ва тамойилларга таянади. Тадқиқот жараёнида бу функциялар ва тамойиллар ишлаб чиқилиб, уларга асосланган ҳолда аудитория ва аудиториядан ташқари ишлар ташкил этилди ҳамда амалга оширилди. Ўтказилган назарий ва амалий машғулотлар ҳамда

маънавий-маърифий тадбирлар, жисмоний ва маънавий-ахлоқий кадриятларни ўрганиш ҳамда фойдаланиш ишлари бўйича мақсад, вазибаларни талаб даражасида бажаришга имкон берди.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни такомиллаштириш йўналишида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда замонавий педагогик технологияларга асосланган интерактив метод ва воситаларни танлаш, улардан самарали фойдаланиш қўйилган мақсадларга эришишни кафолатлайди. Ишлаб чиқилган моделлар ва технологик хариталар белгиланган мақсад ва вазибалар асосида тайёрланганлиги, кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган компонентлардан иборат тизим сифатида жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

5. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилладиган жисмоний тарбия фанининг ўқувчиларда жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни такомиллаштириш бўйича имконияти чексизлиги инобатга олиниб, ушбу фан мазмунидан ўқувчиларга жисмоний ва маънавий-ахлоқий билим, кўникма, малакаларни, ахлоқий-эстетик мулоҳаза, маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу, эътиқодни ривожлантиришга кўмаклашувчи мавзуларни замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш жараёнини ўқувчилар фаоллиги ва мустақил фаолияти билан интеграцияси асосида ташкил қилиш кафолатланган натижаларга олиб келиши исботланди.

6. Умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилган тажриба-синов натижалари жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини такомиллаштириш жараёнини муайян режа ва дастурга, аниқ педагогик шарт-шароитларга таянган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлади. Бу эса натижада ўқувчиларда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг такомиллашиши ва улар ҳар бир ўқувчининг ҳаёт тарзига айланишига олиб келганлиги аниқланди.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар:

- ўқувчиларда жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатлар ҳамда тасаввурларни шакллантирувчи концептуал ёндашувни жорий этиш ҳамда шахсга йўналтирилган таъсирнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

- ўқувчиларда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини ривожлантиришда халқ анъаналаридан самарали фойдаланиш орқали замон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш;

- умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасига киритилган жисмоний тарбия фанини ўқитишда янгиланган технологик моделлар яратиш ва амалиётда қўллаш орқали ўқувчилар жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияси интеграциясини такомиллаштиришга эришиш;

- ўқувчилар жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбияси интеграциясини такомиллаштириш йўналишидаги дарсларни илғор хорижий тажрибаларга асосланган инновацион ёндашувлар асосида ташкил қилиш ва амалиётга татбиқ этишнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАКИМОВ ХУРШИД НОЗИМОВИЧ

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ИНТЕГРАЦИИ ФИЗИЧЕСКОГО И
ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ В
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/Ped373.

Докторская диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Олимов Ширинбой Шарофович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Чориев Абдушукур Чориевич**
доктор педагогических наук, профессор

Мелиев Хамид Абдуллаевич
кандидат педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по № ____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 года).

Х.И. Ибраимов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Ш.Р. Ураков

Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.п.н., (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.п.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом сообществе уделяется особое внимание эффективности междисциплинарной и внутридисциплинарной интеграции, основанной на общих законах природы в обучении и воспитании учащихся как важнейших направлений современной дидактики и частной методики дисциплин. Использование в современных школах интегративности в физическом воспитании признано одним из факторов улучшения функционирования учебного заведения, расширения потенциала преподавательского состава и поиска наилучших способов обеспечения эффективности образования.

Во всем мире проводятся научные исследования проблем интеграции учебных процессов, в том числе особенностей интегрированных уроков, обеспечивающих взаимосвязь физического воспитания с другими дисциплинами с учётом возрастных особенностей, возможностей педагогических технологий, основывающихся на национальных и общекультурных традициях и ценностях. Результаты проводимых научных исследований отражаются в успешности процессов совершенствования у учащихся таких качеств, как сила, ловкость, быстрота, терпение, настойчивость, выносливость, сила воли и эмоциональный контроль в соответствии с возрастом и полом, формирования у них осознанного отношения к сохранению личной гигиены посредством физического воспитания.

Преобразования, осуществляемые в сфере подготовки квалифицированных кадров, расширяют возможности радикального совершенствования системы непрерывного образования в нашей стране, укрепления содержания образования, его материально-технической базы и учебного обеспечения, интегрирования содержания учебных предметов в средних общеобразовательных школах с предметом физического воспитания и внедрения передовых образовательных технологий в учебно-образовательный процесс. Мероприятия по духовному, нравственному и физическому развитию молодежи Республики Узбекистан направлены на «создание условий для регулярного вовлечения молодежи в занятия физической культурой и спортом, формирования у них здорового образа жизни»¹. В связи с этим анализ состояния педагогических возможностей интеграции физического и духовно-нравственного воспитания, определение индикаторов и совершенствование критериев сформированности личности студента, разработка методических рекомендаций имеет важное значение и обеспечивает результативность усилий по воспитанию гармонично развитого поколения.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан

¹Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3907 от 14 августа 2018 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, её обучения и воспитания».

№ УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Президента № ПП-3907 от 14 августа 2018 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодёжи, её обучения и воспитания», Постановлении Кабинета Министров № 118 от 13 февраля 2019 года «Об утверждении концепции развития физического воспитания и массового спорта в Республике Узбекистан на 2019-2023 годы», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I.«Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В первые годы XXI века за рубежом, в странах СНГ и в нашей стране был проведён ряд философских, педагогических и психологических исследований, направленных на обеспечение направлений духовно-нравственной, физической, эстетической, экологической, экономической, профессиональной, общепедагогической, дидактической, профессионально-культурной готовности будущих специалистов и их интеграции, были опубликованы пособия и брошюры.

Педагогические и методические проблемы интеграции в общеобразовательных школах и их решения были рассмотрены в исследованиях учёных нашей Республики У.Ш.Бегимкулова, Р.А.Мавлоновой, Н.Шодиева, Ю.Г.Махмудова, Р.Г.Сафаровой, Э.О.Турдикулова, М.Ф.Хакимовой, Ш.Э.Курбонова и других.

Теоретико-методологические основы обеспечения интеграции и педагогической интеграции в определённой степени были отражены в научно-исследовательской работе российских ученых В.С. Безруковой, М.Н. Беруловой, П.Ф. Кубрушко, Н.В. Кузьминой, И.П. Раченко А.М. Новикова Ю.М. Колягина Л.Н. Бухаревой, И.А., Черкашина и других.

Разработка педагогических основ формирования нравственно-эстетического воспитания и культуры, духовной культуры, духовности у учащейся молодёжи была исследована в работах У. И. Махкамова, Р. Хасанова, Н. Ортикова, С. Булатова, М. Иномовой, С. Нишоновой, Т. Курбонова, М.Очилова, С. Аннамуратовой, С. Файзулиной, О. Мусурмоновой, З. К. Исмаиловой, М. К. Хашимовой, Б. О. Кучкарова, Г. Ибрагимовой, Г. Махмутовой, Н. Эгамбердиевой, Ш. Олимова, основы воспитания и проблемы национального воспитания изучались в работах С. Очилова, М. Куронова, К. Куронбаева, Д. И. Рузиевой, Ф. Норбоевой.

Психологические аспекты проблемы были изучены в работах М.Г. Давлетшина, Е.Гозиева, В.Каримовой, А.В.Петровского, Н.В. Кузьминой,

Е.А. Климова, Р. Суннатовой, Ш. Баротова и других. Общепедагогические и дидактические аспекты подготовки будущих учителей были разработаны У. Нишоналиевым, Ф. Р. Юзликаевым, А. И. Воробьевым, А. Р. Ходжабаевым, Е. Т. Чориевым, Н. А. Муслимовым, У. И. Иноятовым, Ш. Шариповым, Х.Ф. Рашидовым, О.А. Абдукуддусовым.

Общеизвестно, что время и прогресс создали необходимость организации процесса непрерывного образования на основе педагогических технологий. Проблемы в этом направлении освещены в научных трудах Н. Шодиева, В. П. Беспалько, И. А. Лернера, Б. Т. Лихачева, М. В. Кларина, Е. С. Полата, Н. Сайидахмедова, М. Очиллова, Н. Азизходжаевой, Б.Л. Фарбермана, М. Усманбаевой и других.

Проблему повышения квалификации педагогических кадров с теоретико-методологической и организационно-педагогической точек зрения изучали К.З. Зарипов, Ж.Г. Юлдашев, Б.Р. Адизов, Ш.К. Мардонов.

В середине XIX века многие западноевропейские страны начали разрабатывать свои первые комплексные интеграционные программы. В то время авторы выдвигали идею объединения исследований в одно ядро.

Организация обучения на основе знаний интегративного содержания хорошо отражена в исследованиях зарубежных ученых, таких как Г. Спенсер, Дж. Гилберт, Дж. Фернандес-Балвоа, С. Мэрриам, П. Эртмер.

